

**Давлат тиббий суғуртаси жамғармасининг 2025 йил 11 мартдаги 18-и-сон
буйруғига асосан Ихтисослаштирилган тиббиёт ташкилотлари билан
ишлаш бўлими томонидан бажарилган ишлар бўйича
ҲАФТАЛИК ҲИСОБОТ**

(2026 йил 12-16 январь учун)

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 8 майдаги “Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 294-сон қарори ижроси юзасидан Ижтимоий ҳимоя давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан “Меҳр дафтари”га киритилган етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг жарроҳлик амалиётисиз даволаниш ҳамда жарроҳлик амалиёти харажатларини Давлат тиббий суғуртаси жамғармаси орқали қоплаш тарзидаги ижтимоий ёрдам кўрсатишни тартиби бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг маъсул ходимлари билан Жамғарма ходимлари билан бирганликда Zoom-платформаси орқали йиғилиши бўлиб ўтди.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни савлаш вазирининг 2025 йил 9 июндаги 7-сонли “Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан имтиёзли тоифага қирувчи шахслар даволанадиган касалликлар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисидаги буйруғига ўзгартириш киритиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А.Бобоев, тиббиёт ташкилотлари ва Жамғарманинг маъсул ходимлари билан биргаликда Zoom-платформаси орқали йиғилиши бўлиб ўтди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.07.2021 йилдаги ПҚ–5199-сон қарорига мувофиқ имтиёзли тоифага қирувчи шахсларни даволаш харажатларини тиббий йўналишлар асосида қоплашнинг янги тартиби бўйича Жамғарма Ижро этувчи директор бошчилигида тиббиёт марказлари билан биргаликда Zoom-платформаси орқали йиғилиши бўлиб ўтди.

4. Академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг 2026 йил 9 январдаги 19-сон, 20-сон, 21-сон ва 22-сон хатлари билан тақдим этилган тиббий хизматлар ҳисоботлари кўриб чиқилди ва натижаси бўйича тегишли жавоб хати тайёрланди.

5. "MAGIC HOSPITAL" МЧЖ, Республика ихтисослаштирилган нефрология ва буйрак трансплантацияси илмий-амалий тиббиёт маркази, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказларида кўрсатилган ходимларни ва бўлимларни “Medrefer” ахборот тизимига тизим администраторлари томонидан бириктирилиши ташкил этилди.

6. “Medrefer” ахборот тизими бўйича қўллаб-қувватлаш гуруҳига фойдаланувчилар томонидан келиб тушган муаммоли ҳолатлар ўрганиб чиқилди ва улар ижобий ҳал қилинди.

7. Бошқа ташкилий-амалий ишлар бажарилди.

Бўлим бошлиғи

Б. Данияров